

Маҳмудов

Яқинда Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бир гуруҳ ходимлари Фаргона водийсидаги вилоятларда бўлиб қайтишди. Бундай сафардан қўзланган мақсад ва олинган таассуротлар хусусида республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты Шукр Темуров билан суҳбатлашдик.

— Шукр Темурович, Фаргона водийси-га қилинган сафарининг бугунги кун учун аҳамияти қай даражада?

— Фаргона водийси вилоятларида халқ таълими ходимлари билан биргаликда бўлишимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида юртбошимиз сузлаган нутқдаги вазифалардан келиб чиққан. Мазкур сессия жамғармамиз олдида янгича мақсадлар қўйиб, дастурийимизни бойитди. Шунга кура биз республикамиз вилоятлари қишлоқларидаги маҳаллаларда бўлиб, у ердаги шарт-шароит, хусусан «Маҳалла — Мактаб — Оила» ҳамкорлик концепцияси қандай бажарилаётгани, дастурийимизнинг жойлардаги ижроси, mavjud муаммолар

Маҳалла—мактаб—оила

Фойдали сафар

билан яқиндан танишишни йўлга қўйдик. Чунки бугунги кунда маҳалла фаолиятини кучайтириш замон талабидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек «Маҳалла нуфузини кутариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки сиёсий, маънавий ва тарбиявий аҳамиятга моликдир».

— Водийдаги маҳаллалар хусусида нима дея olasиз?

— Аввалига Андижон шаҳрида «Маҳалла — Мактаб — Оила» ҳамкорлиги мавзусида вилоят кенгашида иштирок этдик. Хонобод шаҳрида эса худди шу мавзуда республика кенгаши бўлиб ўтди. Унда бошқарув органи вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ходимлари ҳамда ҳомиёлар иштирок этишди. Сафар давомида Хонобод шаҳридаги жами 7 маҳалла ҳаёти билан танишдик. Бу ерда биз борган куннинг узиди 7 та маҳалла гузари очилди. Ҳомиёлар кумагида қурилган ушбу маҳалла марказларида барча шaroитлар mavjud. Шаҳарда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ердаги мактабларнинг 84 та юқори синф ўқувчиси бoқувчиси йуқ қариялар, ногиронларга кумак бериш учун бириктириб қўйилган экан. Машҳур қизикчи Соиб Хужаев хотирасига бағишлаб ёшлар ўртасида ўтказилган «Кулги-95» курик танлови ҳам бунинг исботидир.

Қорасув шаҳрида Аҳмад Яссавий номли маҳалла бор. Бу ерда маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги юзасидан қилинаётган ишлар диққатга сазовордир. Хусусан маҳалла идорасида мактаб ўқувчиларининг ўқув йили давомидаги ўзлаштириш, яъни чорак баҳолари қўйилган рўйхат осиглиқ турар экан. Шу рўйхатга кура маҳалла фаоллари ўзлаштириши пасайиб кетган болаларнинг ота-оналарини қақариб улар-

дан фарзанд тарбиясига эътиборни кучайтиришни талаб қилишар экан. Кўп жойларда маҳалла оқсоқоли мактаб педагогик кенгашининг аъзоси ёки ота-оналар кенгашининг раиси, мактаб директори эса маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчиси-дир.

Энг эсда қоларлиги Теид номли қирғиз маҳалласида ўтказилган тadbир бўлди. Бу ерда «Туркистон — умумий уйимиз» мавзусида суҳбатлар олиб борилди. Икки ярим минг аҳолиси булган ва маҳалла «Маҳалла — уйим» шиори билан яшар экан. Гарчи бу ерда асосан қирғизлар яшасада маҳалла оқсоқоли ўзбек экан. Оқсоқолликка сайлов пайтида ўтказилган йиғилишда Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳри раҳбарияти ҳам иштирок этди. Маҳалла аҳолиси номидан бир қирғиз (исми шарифи Ёдимда йуқ) суз олиб, Ўзбекистон Президенти оқилона ва тўғри сивасат олиб бораётгани, «Туркистон — умумий уйимиз» шиори халқпарварлик асосига қурилган, ўзбек ва қирғиз халқларининг уйи катта бир рўзгор эканлиги, улар узаро қанчалик аҳил бўлса ҳаётимиз шунчалик обод бўлишини ҳаяжонланиб гапирди.

Наманган вилоятининг Наманган, Учқўрғон, Норин, Косон туманларидаги маҳаллаларда ҳам бўлдик. Бу жойлардаги ишларнинг узига хос томони кичик ёшдаги болаларнинг мактабга тайёрлаш билан боглиқ экан. Шукрўрғон маҳалласида тажрибали педагог Мавлуда Мамадалиева ташаббуси билан уйда мактабга тайёрловчи махсус богча фаолият кўрсатар экан. Фарғонада эса асосан «Қизил Юлдуз» ва Соёкелди маҳаллалари ҳаёти билан танишдик. Қурбон Ҳайдаров раҳбарлик қилаётган «Қизил Юлдуз» маҳалласида биз борган кунимиз Буюк Ипак йулида 200 уринли кинотеатр очилди. Соёкелди маҳалласида эса галати ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда турмушга чиқадиган қизнинг сепи қатъий равишда белгиланар, сепдаги буюмлар рўйхати ва нархи маҳалла идорасида осиглиқ турар экан. Ҳеч бир оилада келин сепини ўша рўйхатдаги буюмлар сонидан оширмас экан. Табиийки, тўй-ҳашам, турли маъракалар ихчам, ортиқча сарф-ҳаражатсиз ўтказилиб, бу ишларда маҳалла хотин-қизлар кенгашининг роли бениҳоят катта эканлиги амин бўлдик.


— Маълумки, ҳар қандай янгилик ўзига хос сабақлар беради. Айтмоқчиманки, пойтахтимиз маҳаллалар фаолияти учун водий маҳаллаларининг ўргана арзийдиган томонлари ҳам борми?

— Албатта, пойтахтимиз маҳаллаларининг фаолияти кўп жиҳатдан вилоят маҳаллаларига намуна бўлиб келган. Аммо солиштирадиган бўлсак, иккала томоннинг бир-биридан ўрганиш керак булган жиҳатлари ҳам йуқ эмас. Пойтахт маҳаллалари учун шунини айтиш мумкинки, уларда иш юритиш, идорани жиҳозлаш, «Маҳалла — Мактаб — Оила» ҳамкорлик концепциясининг ижроси, тўй-маъракаларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказиш маънавият ва маданият, ёшлар тарбияси билан боглиқ масалаларда фаолиятини янада жонлантириш керак. Айниса ёш оилалар барбод бўлишининг олдини олиш ишларида водий маҳаллаларидагидан урнат олса бўлади. Хулоса қилиб айтмоқчиманки, республикамизнинг чекка ҳудудларидаги маҳаллаларда бўлишимиз маҳаллалар ишини тақомиллаштириш гаровига айланади.

Суҳбатдош
Абдумалик АБДУРАҲИМОВ.

Кейинги пайтларда маҳаллалар мавқеи, уларнинг жамиятимизда тутган ўрнига алоҳида эътибор берилаётгани натижасида кўпгина хайрли ишлар амалга ошириляпти. Бу борада Шайхонтоҳур туманида ҳам ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида кўпгина эзгу ишлар бажарилди. Бугунги кунда Шайхонтоҳур туманидаги маҳаллаларни ўз ишига пухта, билимдон, турмуш тажрибасига эга бўлган оқсоқоллар бошқаришмоқда. Натижада белгиланган вазифалар кўнгилдагидек бажариляпти. Туман ҳокимининг ўринбосари Раҳимжон Рўзимухамедов «Маҳалла» дастурини бажариш бўйича белгиланган тadbирлар хусусида қўйи-дигарларни гапириб берди:

— Туманимиздаги маҳаллалардан 12 тасини кўп қаватли уйларда яшаётган аҳоли ташкил этади. «Маҳалла» дастури юзасидан режалаштирилган ишларнинг бажарилишида тadbиркорлик, ишбилармонлик асосий мезон бўлмоқда. Бу борада оқсоқоллардан Гафур Назаров, Олим Нурматов, Абдуфаттох Назаров, Олим Ортиқов, Акбар Аскарлов, Саидрасул Хужаев, Сайфи Гуломов бошчилик қилаётган «Туркўрғон», Хувайдо, Шоислом Шоюсупов, «Наврўз», «Сархумдон», «Сузуқ ота», «Бахор» ва бошқа кўплаб маҳаллаларни ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда ана шундай жамоаларнинг деярли барчаси ўз идора ва чойхоналари-га эга. Идораларга телефон ва радиолар ўрнатилган.



Абдурахим ака кўп қаватли уйларга кучиб келди-ю ҳаво сурадиган одат чиқарди. Ишдан қайт-гач, ҳамма уй-уйига кириб кетарди, одамларнинг бир-бири билан иши йуқ. Ёнингдаги қўшининг ким, тепа қаватларда кимлар яшарди, билмасан.

Бир кун отахоналарга кўнгилдаги гапларни тўқиб солди.

Унинг фикрини бошқалар ҳам маъқуллашди. Шу суҳбат сабаб бўлди-ю, Абдурахим ака ишга киришиб кетди. Биринчи навбатда хонадонларни бирлаштириб, одамларни қовуштирадиган одам

Бу киши биздан

ОДАМЛАРГА ДАРДКАШ

зарур эди. Шу боис 2-Сейбор даҳасидаги 9-уй хонадонлари бирлашиб, кичкина маҳалла ташкил этишди. Аммо йиғилиб маслаҳатлашиб, ишларни ҳал қилиш учун алоҳида жой йўқлиги қийин-чилик туғдириди.

Абдурахим ака фаоллар ва оқсоқоллар билан биргаликда маслаҳатлашиб тўйхона қуришга келишди олишди. Жой ҳам белгиланди. Қадимий удумимиз — хашарга куч беришди. Кўндан иш қўчиб кутулармиз? Уларнинг кучи билан кўнчилик ҳавас қилса арзийдиган тўйхона пойдевори-дан тортиб томиғача факат ҳашар йўли билан бунёд этилди. Айниса аёлларга таванхонанинг шинамалли-ю, новвойсқанининг нисотда қўлайли-ги жуда маъқул бўлди. Яна шунинг қувончлики, тўйхона олдида келди ётган ерлар увор олиниб, бор ташкил олтирди. Бугунги кунда богда урик, олча, гилос, олхури, олма, анжир, беҳилар ҳосилга кирди. Уларнинг мевасидан барча хона-

за, «Ипакчи» маҳаллаларида 3 километрга яқин электр тармоқ-лари тула таъмирдан чиқарил-ди. Оқава сув қувурлари Белте-ла, Маннон Уйғур, «Шарқ» ма-ҳаллалари қучаларида 8 кило-метрга яқин масофага ўтказил-ди. Асфальт ётқизиш, куча ва йўлакларнинг мукаммал таъми-ри асосан 21 маҳаллада ва ёр-дамга муҳтож маҳаллаларда амалга оширилди. Тоза ичим-лик суви билан таъминлаш эса «Жарайса», «Белтепа», Новза,

Дастур қандай бажарилмоқда?

ХАЙРЛИ ЮМУШЛАР

1994 йилда ва 1995 йил-нинг биринчи уч ойлиги даво-мида ижтимоий соҳада муайян ишлар қилинди. Навоий, Фур-қат, Самарқанд дарбоза қуча-ларни газлаштирилди. Бугунги кунда Халқлар дустлиги, Маж-лисый қучаларида газлаштириш ишлари давом этмоқда. 1995 йилнинг биринчи ярмида туман бўйича барча маҳаллалар ту-лиқ газлаштиришга эришилди. Эшонгузар, Самарқанд дарбо-

Чўпон ота маҳаллаларида бажари-лиди. Туман бўйича 212 хона-дон телефон билан таъминлан-ди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш ке-ракки, Зангиота туманидаги баъзи ерлар шаҳар ҳисобига ўтиши натижасида туманимиз-даги маҳаллалар сони ўчмага қу-лайди. Ипакчи, Ёқуб Зияев, «Ўз-бекистон» маҳаллалари учун ҳар соҳа бўйича тезликда қўшимча тadbирлар режаси ишлаб чиқи-

Кўп қаватли уйларда

ФАОЛЛАР БИЛАН БАМАСПАХАТ

Темирхон ака маҳалла фаоллари билан келгу-си режалар ҳақида фикрлашиб олган. «Кимда қан-дай савол бор?» дегандак стол атрофида ўтир-ганларга бирма-бир назар ташладик. Соңига э-қоралган меҳнат фахрийси, кенгайиб қолган бу-лишига қарамай ҳеч тиниб-тинчимайдиган, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш кенгашининг раиси Тўлқин ака Абдукаримов орага чўккан су-қунати бузиб суз олди:

— Оқсоқол, туюв кўни уйимизнинг 22-хона-сида истикомат қилувчи Вали хола марҳум турмуш ўртоғининг вафоти кўни маросимини ўтказиш учун моддий ердан беришимизни сураб олдимга чиқ-қан эди. Ҳа, кейин қўшни уйда яшайдиган бог-бон Обид ака ҳам кенжа углини уйлантираётган экан. Ўзи жўжабирдай ҳон. 6 нафар фарзанди бор. Бир ўзи қийналиб қолмасикин дейманда. Шу кишини ҳам моддий томондан қўллаб-қувват-ласа қандай бўларкин?

— Нонорларга, кам таъминланган оилаларга ердан қўлни қўзиш асосий вазифамиздир.— де-ди «3-Катта Чилонзор» маҳалласининг оқсоқоли Темирхон Ҳафизов Тўлқин аканинг гапларни маъқулла-бди.— Мана, бу ерда маслаҳатчилар, маҳалла фаоллари ўтиришибди. Буилмас шу масалани биргаликда ҳал қилсак, нима дейсизлар?

Ҳамма «маъқул» дегандак бош қақайди. Ўза-ро фирқ алмашиб, маслаҳатлашгандан кейин Вали холага 450 сум миқдорда моддий ердан, Обид аканинг тўйига 1000 сум миқдорда туена беришга ҳамда никоҳ тўйини ихчам ва қамчиқим ўтказишга келишиб олишди.

— Бундан тўрт йил аввал 54 та кўп қаватли уйда ташкил топган, турли миллат вакиллари-дан иборат 2500 киши яшайдиган маҳалламизда бундай воқеалар кўп бўлиб туради,— дейди биз билан суҳбатда маҳалла котиби Азимхон Матка-римов.— Аммо яхши кўнларда ҳам, ёмон кўнлар-да ҳам доим маҳаллашларимиз билан бирга-миз. Сирасини айтганда, ўтган йили Темирхон ака маҳалла оқсоқоли этиб тайинлангандан кейин ишларимиз анча жонланди. Эндиликда бирон-бир тadbир ўтказадиган бўлсак, маҳалла фаоллари йиғилишиб, маслаҳатлашиб оламиз. Қўлни қўр-ган Темирхон аканинг йўл-йўриқлари, ҳаётий таж-рибаси бизга жуда асқотди. Бугунги кунда 186 та оилага оилавий шароитига қараб 225 сум-дан 450 сумгача моддий ердан кўрсатилди. Бун-дан ташқари турли маросимларни ўтказишда ма-ҳалладошларимизга қўлимиздан келганча ердан берилмиш. Келгусида Раҳмонли Ҳужаев, Ирина Пронина, Анатолий Конкин, Бронислав Пак ва Қувонч Урозов синари маҳалламиз фаоллари бошчилигида ҳашар уюштириб, маҳалламизда чойхона ва 500 уринли тўйхона қуришни режа-лаштириб қўйганмиз.

Бинобарин, аҳиликда гап қўн. Аҳилиқ бил-тичилик-товулиқ ҳукмрон булган жойда амалга ошириляётган ишлар ҳам баракали, ҳаётимиз эса файзли ва мазмунли бўлади.

Исмомил ЗОИРОВ.¶

бия бешиги, фахримиз ва ор-номусимиз эканлигини унут-майлик. Оилалардаги аҳилиқ, иноқлик, ширин турмуш, угил-қизларни буюк келажакимиз учун муносиб этиб, уларни ақ-лан, жисмонан ва ахлоқан соғ-лом, ватанпарвар этиб тарбия-лаш, жиянатчиларнинг олдини олиш, миллатларро қардошлиқ, миллий аңғана ва урф-одатлар-римизга сардоқатли бўлиш, маърифат, маънавият чашмакла-ридан доимий баҳраманд бў-лиш, тўй, маъракаларимизни на-мунали, ихчам ҳамда исрофгар-чиликсиз ўтказиш, ичкиликбоз-ликка йўл қўймаслик ҳар бир маҳалла кундалик фаолияти-нинг бош мезони бўлмоқда. Мамлакатимизда демократик жараянлар халқимизнинг қонун-ни ҳурмат қилиш каби фазилат-ларига мос равишда ривожла-ниши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабат-ларда ҳам устунилик касб этиши даркор.

Қабир КОМИЛОВ, Юнусобод туманидаги «Янгиарик» маҳалласи оқсоқоли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Суратли ахборот

ДАВРА СУҲБАТИ



Шайхонтоҳур туманидаги «Ок-лон» маҳалласида шахар саломат-лик маркази ходимлари томонидан «Юқумли ўткир ошқозон-ичак ка-салликлари ва уларнинг олдини олиш» ҳамда «Соғлом авлод учун» мавзусида қўшма суҳбат ўтказил-ди. Абу Али ибн Сино номли тиб-биёт коллежининг ўқитувчиси, тиб-биёт фанлари доктори Мирфарид Исмомлов, шахар саломатлик мар-казининг ходими, тиббиёт фанла-ри номзоди Ислом Икромов, «Си-ҳат-саломатлик» журналы бош му-ҳаррири уринбосари Марҳамат Муслимовларнинг маърузалари кўпчиликида қизиқиш уйғотди. Дав-ра суҳбатига Абу Али ибн Сино номли тиббиёт коллежининг ўқи-тувчилари, 42 оилавий даволаш мажмуи шифокорлари, туман са-нитария-эпидемиология станцияси ходимлари, маҳалла аҳолиси, 141-урта мактаб ўқитувчилари қатнаш-ди.

Дамира ЗАРИПОВА, СУРАТЛАРДА: учрашувдан лав-ҳалар Н. Бағдасаров олган суратлар.



Халқимиз урф-одатларига кура бир ишга қўл урилса баракали бўл-син дея ундан бирор эзгулигини мақсад қилиб қўяди. Акмал Икромов туманидаги Ватан маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳабибулло Исоев худди шундай ишга қўл уриб, маҳалла ҳудудида жойлашган 199-ақли занф болалар махсус мактабида кичик новвойхона очди. Эндиликда мактаб ўқувчилари ҳар кун бу новвойхонадан бепул нон олишлари мумкин.

СУРАТДА: маҳалла йиғилигидан (ўнгдан чапга) Баҳодир Зиедов, Гайрат Абдуллаев ва Нодир Сатторовлар иш устида.

Засим Соколов олган сурат.

Пиру бадавлатларимиз

ҚУША ҚАРИГАНЛАР

Шаҳримиздаги «Бустон» маҳалласида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Абдусамат ота ва унинг умр йулдоши Қаҳрамон ака Холида ая Каримоваларнинг хонадонига ажойиб паллада ташриф буюрдик. Қавм-қариндош ва қуда-андалар уларни йўқлаб келишган экан. Чехрасидан нур ёғилиб давра туради ўз тақдирларидан хурсанд бўлиб ўтирган табаррук инсонларга ботиб ҳавас қилсан киши. Бири қувончдан қўз ёшларни артса, ана бири ўз ўтми-ши хотираларини эслайди.

Уша машъум урушининг бу-тун ташвишлари, қўплар қато-ри Абдусаматни ҳам ўз қир-добига тортиди. 1942 йилда қўнгилилар сафида ҳарбий хизматга жўнади. Абдусамат Харьков пивда аскарлар тайёрлаш билим юртининг қисқа тайёрлаш курсини ту-гатгач, Ленинград шаҳрини мудофаса қилишда иштирок этди. Сўнгра Новгород, Бол-тибуйи шаҳарларини озод этишда душманга қарши му-ҳим операцияларда қатнашди. Галабани Эстониянинг Эзиль оролида кутиб олди. Шундан сўнг ҳам 1947 йил апрель ойига қадар ҳарбий хизмат давом этди. Уйига қайтганда эса унинг қўқсини қўша-қўша жанговар орден-медаллар бе-заб турарди.

Меҳнат қилган элда азиз деғалларидек, 2-депода 46 йилдан ортиқ ишлаб, ҳам-касблари меҳрига сазовор бўлди. Уни иззат-ҳурмат бил-лан пенсияга кузатишди. Шун-да ҳам меҳри дарё Абдусам-мат ота узоқ йиллар давоми-да меҳнат фаолиятини давом эттирди. Шуниси таҳсинга са-зovorки, нафақа пулларини ўз хоҳиши билан қариялар уйла-рига, ердамга муҳтож оила-ларга ҳада этди. Абдусамат ота ва Холида аялар бугунги кунда 10 фарзанд ва 27 на-биранинг ота-онаси. Улар-нинг бари уйли-жойли, ўғил-ларни Абдусаттор, Абдуқаҳҳор, Абдужаббор, Абдувахоб, Аб-дувоҳид, Абдубоситлар халқ ҳужагининг турли соҳалари-да фидокорона меҳнат қил-моқдалар. Қизлари Феруза-хон, Умида, Ҳамида ва Ҳани-фалар ҳам узлари каби меҳ-натсевар, эл ишига бел бог-ланган ажойиб инсонлар бўлиб вояга этишди.

Абдусамат ота ҳозир ҳам қўл қовуштириб ўтирмайди. Эл ташвишида қуюниб, жа-моатчилик ишларини йўлга қўйишда, маҳаллани қуқалам-зорлаштириш, ободонлашти-риш каби юмушларга ҳамис-ча бош-қўш. Айниса тўй ва маъракаларни ўтказишда ўз маслаҳатлари билан ердан беради. Ҳоҳатманд оилалар-га, беморлар қўнглини кута-риб, ҳолидан хабар олишни инсоний бурчи деб ҳисоб-лайди.

Табаррук хонадон соҳибла-рининг умри, инсоний фазил-латлари маҳалла аҳли, айнис-са ёш оилаларга урнат бўл-моқда.

Оқила РАИМОВА.

Гапни гапир

ўққанга

СИПЖИШ БУПМАЯПТИ

Бизнинг Ақмал Икромов ту-манидаги Фуқрат маҳалласи-да «Баҳор» номли 30-озиқ-ов-қат дукони бор. Унинг ени-дан утувчи йўл орқали бола-лар 236-мактаб ва 450-бола-лар богчасига қатнашади. Аммо сунгги пайтларда ана шу йўлга кириб қорхона, чойхона қуриш баҳонаси билан тўсиб қўйилди. Эндиликда одамлар ушбу йўлга орқали эмас, бал-ки транспорт қатнайдиغان қат-та қуча орқали дуконга, мак-таб ва богчага қатнашмоқда. Натижада катта йўлда йўл ҳа-ракати қоидаларининг бузи-лишлари, ҳатто болалар ора-сида жароҳатланишлар рўй бермоқда.

Яна бир муаммо шундан иборатки, мазкур йўлга чети-дан ўтган ариқ чикиндиларга тулиб ётибди. Ёзиниқ ҳозирги иссиқ кўнларни ана шу жойда уйнаётган болаларда турли юқумли касалликлар пайдо бўлмайди, деб ким айта ола-ди? Бинобарин, ён-атрофда-ги Шарқ гули, Усмон Юсупов, Уткир. Қори ёғди маҳалла-ри фаоллари йиғилишида мазкур ҳолатни бартараф этиш юзасидан қарорлар қа-бул қилинган. Лекин нимага-дир ижобий силжишлар рўй бермаптир. Ушбу масалага мутаассиди ходимлар ўз фир-ларини билдирадилар деб ишонамиз.

Фуқрат маҳалласи номи-дан:

II жаҳон уруши қатнашчиси Қобил МИРЖАЛОЛОВ.

Халқимиз ростгўйликни мардлик, танглик, ҳалоллик каби юксак қадрлайди, ҳақгўй, доимо рост гапирувчи кишини бошига қўтаради. Эсимизни танибмизки, «Бошингга қилиш келса ҳам тўғриси сўзла» иборасини ота-оналар, ёши улуглардан тез-тез эшитамиз. Дарҳақиқат биз рост сўзлаш қон-қонимизга сингиб кетган халқимиз.

Ростгўйлик, ҳақгўйлик — ҳаёт нафаси, ҳар қандай инсоний фазилатларнинг асосидир. Таъбир жоиз бўлса, ҳақиқат — ҳар бир одамда инсоф-диённинг ғолиб келиши демакдир. Энг аччиқ ҳақиқат ширин ёлгондан кўра минг чандон афзалроқ.

Ростгўйликнинг қушандаси ёлгончилик — қабиҳ иллатдир. Шира майсани, занг темирни, ёлгон эса қалбни ейди. Шайх Саъдий айтиди:

**Ёлгон бевикор қилур одамни,
Ёлгон шармисор қилур одамни.**

Ҳазрат Алишер Навоийга қулоқ тутиш: «Ҳар кимни сўзи ёлгон, ёлғони эохир бўлғоч ўёлгон. Ёлғони чиндак айтувчи суҳанвар — кумушни олтин била рўқаш қилувчи заргар».

Рост сўзлаш ҳусусида доно халқимиз уртасида жуда қўллаб-йибратли

ривоятлар мавжуд. Эмишки, Насриддин болалигида отаси бировдан қарздор экан. «Эрта келинг, индин келинг» деб қарз берган кишини овозра қилар экан. Бир кун у киши келиб пулини қистаса отаси:

Инсонийлик фазилатлари

РОСТГЎЙЛИК ҲАҚИДА

— Жоним билан берардим, уйда бир чақа пул йўқ, сабр қиласиз, биродар, — дебди.

Ушанда Насриддин уйдан бир ҳамён тангаларни кўтариб чиқиб:

— Дада, бир чақа ҳам пулим йўқ дейсиз, булар пул бўлмай нима? — дебди-да ерга қўйибди.

Ҳали ёлгон гап эшитмаган, ёлгон нималигини билмаган боланинг шундай қилиши табиийдир.

Ешлигида тўғри гапиршига одатланган бола улғайиб катта бўлганда ҳам тўғри сўзли, ростгўй бўлиб етишади.

Ҳаёт тажрибаси, турмуш шундан

далолат бериб турибдики, ҳақгўй ва ростгўй одамлар эл-юрт уртасида эътиборли, обрўли инсонлар бўлиб таниладилар. Ёлғончи, алдамчи кишилар эса жамоат орасида доимо иснод ва уятга қоладилар. Тўғри сўз —

Бир-бирингизга тўғриси сўзланг, бола тузалади, — дебди Жаброил Сулаймон сурабди: — Мендан бошқага ҳеч кўнглинг кетганими? Билқис жавоб бериб:

— Нимасини айтмай, гарчи сиздан ўқтам, сиздан ақли, сиздан кўчи киши бўлмаса-да, ёшроқ йигитларни қўрганимда ҳаёлим бузилган вақтлар бўлган, — дебди.

Бола бирдан икки қўлини олдинга чўзиб онасига талпинибди.

Навбат Билқисга келибди:

— Бировга ҳеч ҳолис, беминнат яхшилик қилганимиз? — сурабди эридан.

— Мендаги давлат дунёнинг ҳеч ерида, ҳеч бир кишида йўқ, — дебди Сулаймон. — Шунга қарамай бирор иш йўқки, таъмасиз қилган бўлсам.

Бола даст уридан турибдию чоп-

қиллаб кетибди. Ҳар қандай аччиқ бўлса ҳам ростлик керак дейди, ушбу ҳикмат.

Жаноби пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом муборак ҳадиси шарифларида айтиди: «Сизларнинг ораларингизда энг тўғри одам ҳақ гапни айтидиган одамдир», «Рост гапиринглар, чунки у яхшилик билан биргадир ва иккови ҳам жаннатда бўлувчидир. Ёлгон гапирманглар, чунки у ёмонлик билан биргадир, улар иккиси дўзахда бўлувчидир», «Саккиз тоифа кишини Аллоҳ қийматда энг ёмон қўради. Уларнинг биринчиси ёлгончилардир», «Ёлгон гапирманглар, чунки ёлгон гап иймонга зиддир».

Инсон нима учун дунёга келадими нима учун яшайди ва у ҳаётда қандай бўлиши, қандай из қолдириши барча давр аҳли донишларининг доимо диққат марказида турган.

Фарзандларимизда ҳақгўйлик ва ростгўйлик фазилатини камол топтириш ота-она, муаллим, олим, фузало, ҳаммамизнинг юксак бурчимиздир.

Анвар КАРИМОВ,

тарих фанлари номзоиди.

қиллаб кетибди. Ҳар қандай аччиқ бўлса ҳам ростлик керак дейди, ушбу ҳикмат.

Жаноби пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом муборак ҳадиси шарифларида айтиди: «Сизларнинг ораларингизда энг тўғри одам ҳақ гапни айтидиган одамдир», «Рост гапиринглар, чунки у яхшилик билан биргадир ва иккови ҳам жаннатда бўлувчидир. Ёлгон гапирманглар, чунки у ёмонлик билан биргадир, улар иккиси дўзахда бўлувчидир», «Саккиз тоифа кишини Аллоҳ қийматда энг ёмон қўради. Уларнинг биринчиси ёлгончилардир», «Ёлгон гапирманглар, чунки ёлгон гап иймонга зиддир».

Инсон нима учун дунёга келадими нима учун яшайди ва у ҳаётда қандай бўлиши, қандай из қолдириши барча давр аҳли донишларининг доимо диққат марказида турган.

Фарзандларимизда ҳақгўйлик ва ростгўйлик фазилатини камол топтириш ота-она, муаллим, олим, фузало, ҳаммамизнинг юксак бурчимиздир.

Анвар КАРИМОВ,

тарих фанлари номзоиди.

Ҳар тўғрида ПОРТЛАТИЛГАН МУҲТАШАМ БИНО

Москвадаги Исо алайҳиссалом саройи (черкови) 1848 йили қуриб битказилганди. Бино тепасидаги қуббаси диаметри ўттиз ва баландлиги 27,7 метрга тенг бўлиб, унинг юза майдони 3000 квадрат метрни ташкил этарди. Рус саноатчиси Демидовнинг ҳада қилган икки юз ўн битта олтин тангаси ҳоҳи (крест) ишлаш учун сарфланганлиги маълум. Бутун дунё христианларига маълум бўлган бу муҳташам бинонинг умри бир асрга ҳам етмади. Большевиклар турли баҳоналар қилиб 1931 йилнинг 5 декабрида уни портлатиб юборишди. Портлашдан олдин большевиклар машҳур черковдан 34 та кумуш пул, 510 та ёқут, марваридлар билан безатилган тож, 8 та катта олмослар, қатор иконалар ва бошқа қимматбаҳо бойликларни олиб кетишди. Черков меҳроби АҚШ Президенти Рузвельт хотинига совға қилиб юборилганди. Бинони безатишнинг узигагина 420 килограмм олтин сарфланган бўлиб, бу қимматбаҳо металлнинг катта қисми чанг тўзони билан осмонга қўтарилганди. Мана энди, орадан шунча вақт ўтган, муҳташам бинони қайта тиклаш, унинг бойликларини ўз жойига қайтариш устида гап юритилмоқда. Бу борада шахсий коллекционерлар, музейлар ва диндорларга мурожаат ҳам қилинмоқда. Гап шундаки, муҳташам бино ўрнида яратилган ва олтиннинг йиллардан бери ишлаб турган катта чўмилиш ҳавзаси ўрнида улкан иншоотни мустаҳкам қилиб яратиб булармикан, деган савол кўпчилиكنи ўйлантирмоқда. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз «Етти ўлчаб бир кес» деб бекорга айтмаганлар.

АНТИҚА ҲАЙКАЛЛАР

Дунёда турли жониворларга, чўнончи мушук, фил, ит ва бошқаларга қўйилган ҳайкаллар ёки ҳайкалча қўйилган эмас. Эндиликда бундай ҳайкал Париж университетиди пайдо бўлди. Бу жониворнинг тош тимсоли абадийлаштирилди. Хўш, жониворларга ҳайкал қўйилишидан мақсад нима, деган савол туғилади. Бунинг боиси жониворларнинг одамларга қилган яхшиликлари ва хизматларини кўрсатиш экан. Масалан, Родос оролида илонларни тўёқларида мажлаб ташлаб аҳолини улар заҳаридан қўқариб қолган икки кийикка, Буюк Британияда иккинчи жаҳон урушининг айна қизиб турган пайтида мамлакатнинг сув ости кемасини ҳалокатдан қўқариб қолган кабутарга ва АҚШда эса дельфинга қўйилган бронза ҳайкаллари мавжуд. Даниянинг Орхус шаҳри марказидаги майдонда мамлакатнинг асосий экспорт моли ҳисобланган она чўча билан унинг унта боласига қўйилган бронза ҳайкални сайёҳлар ва меҳмонлар қизиқиб томоша қиладилар. Утган асрда Австралия қитъасида каттаси ўсимлигининг тарихи билан боғлиқ ишларни эслатиб турувчи бразилия каттаси кўясига ҳам қўйилган ҳайкални кўпчилик томоша қиладди.

Қудрат АҲМЕРОВ тўплаган.

ОЛТИН ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ!



Шаҳримиздаги 81-мактаб қошида мактаблараро «Шодлик» соғломлаштириш оромгоҳи очилди. Бу ерда атрофдаги 124-ва-245 мактаб болалари ҳам дам олишмоқда. Болалар учун тумандаги болалар ижодий марказининг барча тўғрақлари ишлаб турибди.

СУРАТЛАРДА: Болалар оромгоҳга келишни пайт; «Моҳир қўллар» тўғраги раҳбари Абдулмуҳаммад Холатов болалар билан иш тартибини маслаҳатлашмоқда; болалар ўйин пайтида. Равил Азиевнинг олган суратлари.

МЕҲР ВА МУРУВВАТЛИ ТАРБИЯЧИЛАР

Тарбиячи Рихсиҳоннинг ичига чироқ ёқса ёримасди. Унинг гуруҳидаги Ботиржон исмли боланинг тўсатдан касалхонага тушиб қолиши унга тинчлик бермасди. Нега бундай бўлди?

Рихсиҳон турли ҳаёлларда тонг отганини ҳам билмай қолди. Шоша-пиша болаларига эрталабки нонуштан тайёрлабдию касалхонага югурди. Навбатчи шифокорга учради. У эндигина бола тинчланиб уйкуга кетганини, уни безовта қилмаслик лозимлигини ўқтирди.

— Сира безовта қилмайман, эшикдан шундоқ муралаб кўриб қўйсам бўлгани, — деди Рихсиҳон илтижоли оҳангда.

Ботиржон шарпани сезиб қу-

зини очиб юборди. Меҳрибон тарбиячисини кўрдию ўрнидан турмоқчи бўлди. Рихсиҳон югу-

— Тарбиячисининг мана шу-

риб бориб болани бағрига бос-

ди.

нака жонқуярлиги тўғрисида Ботиржон тезда сўкча туриб кетди, — деди мудир Солиҳова. — Касирова. — Албатта бу Рихсиҳоннинг кундалик ҳаётидан бир лава ҳолис. Аслида бунақа ибратли воқеаларни, болажонлиги ҳақида унинг узоқ йиллик фаолиятидан қўллаб-қўлловчи келтириш мумкин.

Юнусобод туманига қарашли 537-болалар боғчасида бугунги кунда 240 жажжи ўғил-қизлар тарбияланишмоқда. Уларга Рихсиҳон Солиҳовадек жонқуяр тарбиячилар Латофат Аҳмедова, Мухайяр Умарова, Дилфуза Аҳмедовалар қалб қўрларини бағишлаб келишяпти. Шунинг учун ҳам боғча тумандаги энг намунали тарбия масканларидан ҳисобла-



Соғлом авлод учун

МЕҲР ВА МУРУВВАТЛИ ТАРБИЯЧИЛАР

Тарбиячи Рихсиҳоннинг ичига чироқ ёқса ёримасди. Унинг гуруҳидаги Ботиржон исмли боланинг тўсатдан касалхонага тушиб қолиши унга тинчлик бермасди. Нега бундай бўлди?

Рихсиҳон турли ҳаёлларда тонг отганини ҳам билмай қолди. Шоша-пиша болаларига эрталабки нонуштан тайёрлабдию касалхонага югурди. Навбатчи шифокорга учради. У эндигина бола тинчланиб уйкуга кетганини, уни безовта қилмаслик лозимлигини ўқтирди.

— Сира безовта қилмайман, эшикдан шундоқ муралаб кўриб қўйсам бўлгани, — деди Рихсиҳон илтижоли оҳангда.

Ботиржон шарпани сезиб қу-

рини очиб юборди. Меҳрибон тарбиячисини кўрдию ўрнидан турмоқчи бўлди. Рихсиҳон югу-

— Тарбиячисининг мана шу-

нака жонқуярлиги тўғрисида Ботиржон тезда сўкча туриб кетди, — деди мудир Солиҳова. — Касирова. — Албатта бу Рихсиҳоннинг кундалик ҳаётидан бир лава ҳолис. Аслида бунақа ибратли воқеаларни, болажонлиги ҳақида унинг узоқ йиллик фаолиятидан қўллаб-қўлловчи келтириш мумкин.

Юнусобод туманига қарашли 537-болалар боғчасида бугунги кунда 240 жажжи ўғил-қизлар тарбияланишмоқда. Уларга Рихсиҳон Солиҳовадек жонқуяр тарбиячилар Латофат Аҳмедова, Мухайяр Умарова, Дилфуза Аҳмедовалар қалб қўрларини бағишлаб келишяпти. Шунинг учун ҳам боғча тумандаги энг намунали тарбия масканларидан ҳисобла-



Махмуд ОРИПОВ. СУРАТЛАРДА: боғча фаолиятини лавҳалар эса эъти.

Рустам Шарипов олган суратлари.

нади. Боғчада «Соғлом авлод учун» мажмуавий дастурга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Рихсиҳон Солиҳова бошчилиги қўйилган дастурга қўшимча машғулотлар олиб борилади. Масалан, Алишер Навоий, Амир Темури, Захриддин Боғур сингари бобоқалонларимиз тўғрисидаги машғулотлар фикримизнинг далилидир.

Боғчада бир неча тўғрақлар ҳам фаолият қўрсатмоқда. Айниқса улар орасида «Қалдирғоч» мусиқа ансамбли ва каштачилик тўғрақлари болаларнинг соғломлигини даргоҳига айланган.

Махмуд ОРИПОВ.

СУРАТЛАРДА: боғча фаолиятини лавҳалар эса эъти.

Рустам Шарипов олган суратлари.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА БИЛДИРУВЛАР

КўП ТАРМОҚЛИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Ўрта мактабларнинг битирувчиларини ҳамда «қўшма корхона ва хорижий фирмаларида референт-таржимон» курси бўйича инглиз ва немис тилида асосли билим эгаллашни хоҳловчиларни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
МАШҒУЛОТЛАР АМЕРИКА ФИРМАЛАРИДА РЕФЕРЕНТ-ТАРЖИМОНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ (қўлланма) ДАРАЖАСИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ ДАСТУРГА КИРИТИЛГАН:

инглиз ва немис тилини тезкор ўрганишнинг ҳамма босқичлари киритилган;
ходимлар ва бухгалтерия ҳисобининг асослари;
Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ;
қўшма корхоналарда менежмент психологияси;
иш юритиш ва хизмат хати махсус курси;
ҳужжатларни таржима қилиш бўйича махсус курс;
иш этикети, дипломатик протокол, нутқ стилистикаси;

компьютердан ва пакетлар дастуридан, телефонлар, факслар, модемлардан фойдаланиш;
МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ;

— Ўқиш муддати 2 йил (тил биладиган тингловчилар учун ўқиш муддати қисқаради);

ЎҚИШНИ БИТИРГАНЛАРГА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ БЕРИЛАДИ.

Ўқув Маркази чет тилларни ўргатадиган курсларга тингловчилар қабул қилишни давом эттирмоқда: инглиз тили (ўргатишнинг барча босқичлари, жумладан тезкор ўргатиш);

немис тили;
итальян тили;
француз тили.

Ўқув жараёнида тингловчилар лингвистик хоналар ва видеозаллар билан таъминланганлар.

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
53-11-25, 91-06-25.

КИР ЮВИШ ФИРМАСИ ТАШКИЛОТЛАРГА

олий ўқув юртларининг ётоқхоналари, меҳмонхоналар; ошхона ва ресторанлар; болалар оромгоҳлари; саёҳат базалари;

тиббиёт ташкилотлари (стационарлар, поликлиникалар ва бошқалар); элчионалар ва бошқаларга КИР ЮВИШ БЎЙИЧА ЎЗ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кир ювиш фирмаси ҳарбий қисмларга хизмат кўрсатишни йўлга қўймоқда.

БИЗ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ, МУДДАТИНИ КАФОЛАТЛАЙМИЗ!

Мулоқот телефонлари: 34-05-33, 91-06-25.

Манзилгоҳ: Комаров кўчаси, 8-уй (мўлжал илгариги Куйбишев майдони, Ново-Московская кўчаси).

ТАШКИЛОТ

канцелярия моллари, телефон аппаратлари, 386, 486 ДХ компьютерлари, «Citizen» калькуляторлари ва бизнес папкалар, холодильниклар, «Canon»-1215, 300, 320, 330 ксерокслари, 1 гр— 4-5 умумий фойдаланиш учун симлар, ВР 1 и 5-ммли симлар, ТУ 14-4-666-75 пахта боғлайдиган симлар, пахта учун бандажлар, 20х20, 45х45, 65х65 рабица тўрлари, 25х25, 32х32, 36х36, 45х45, 50х50 улоқлар, миҳлар, ЛБ-40 лампалари, стартерларни

СОТАДИ

Манзилгоҳ: Халқлар дўстлиги кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 79-47-74, 72-98-17.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош бошқармаси, фан ва халқ таълими ходимлари Тошкент шаҳар қасба уюшмаси кўмитаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, туман халқ таълими бўлимлари, умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалари, ҳунар-техника билим юртлири жамоалари, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори

Луиза Набиевна ОРИПОВАНING

бевакт вафот этганини чуқур кайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладди.

Ақмал Икромов тумани ҳокими ижроия маҳкамаси, Маданият ишлари бўлими маъмурияти 9-болалар мусиқа мактабининг раҳбари Сайфутдин Собирович Ҳасанова волидаи мухтарамалари

Рихсия ҲАСАНОВАНING вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМАЛИГИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат соғи ~ 10.

Манзили:
700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
хатлар ~ 33-29-70; эшон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масаллари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эшонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғри қилиниши учун жавобгарлик қилган бўлган тақдирда ва тижорат хабарларини жойлаштириш масаллари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Нашри етказиб бериш масаллари бўйича тўғри жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси» шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қўроғи бичими - А-2. Газета IBM компьютерда терилди ва сақталди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

“Шарқ” нашриёт-матбаа корпоратив босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Шўрон” кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма-Г- 0243

Босмага бериш вақти 11.30.

1 2 3 4 5 6.